

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

164 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2012 йил 20 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар) **1173-моддасининг матнидаги** «расмийлаштирилган тақдирда» деган сўзлар «легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган тақдирда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»ги 763–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **22-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи, учинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари** «легаллаштирилган» деган сўздан кейин «ёки апостиль қўйилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Жамоат фондлари тўғрисида**»ги 527–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2012 йил 11 апрелда эълон қилинган.

15 (515)-сон

— 9 —

164-модда

10, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 592-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **14-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «легаллаштирилган» деган сўздан кейин «ёхуд апостиль қўйилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 365-модда) **155-моддасининг ўн тўққизинчи қисми** «легаллаштирилган» деган сўздан кейин «ёки апостиль қўйилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 апрель,
ЎРҚ–322-сон